



**TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI**

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

UDK: 617-089.844

**БОЛАЛАРДА ТУҒМА БУЙРАК ДИСТОПИЯСИНИ ДАВОЛАШДА ҚУЛЛАНИЛГАН
ЖАРРОХЛИК УСУЛЛАРИ ВА АМАЛИЁТЛАРИНИНГ НАТИЖАВИЙ**

ТАХЛИЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Бердимуродов Янгибой Италович



**Турон университети Тиббиёт
кафедраси катта ўқитувчиси**

Email: yangiboyberdimurodov405@gmail.com

ORCID: 0009-0008-1274-7415

Аннотация: Ушбу мақолада болаларда туғма буйрак дистопиясини даволашда қулланилган жаррохлик усуллари ва амалиётларининг натижавий тахлилларини баҳолашни мақсад қилиб олинди. Текширув Республика болалар тиббиёт марказида ва Қашқадарё вилояти болалар кўп тармокли тиббиёт марказида 2023-2025 йилда қабул қилинган буйрак дистопияси билан оғриган беморларда олиб борилди.

Болалар буйрак дистопиясида: гидронефроз, даврий ўткир хуружли қорин оғриги, буйрак гипертонияси, сурункали рецидив кечувчи пиелонефрит, аномал органнинг экскретор функциясининг йуклиги жаррохлик амалиёти ўтказишга кўрсатма бўла олади.

Калит сўзлар: Болалар, туғма буйрак дистопия, гидронефроз, нефропексия, қорин оғриги, экскретор урография, умумгистологик, гистокимёвий.

**ОЦЕНКА РЕЗУЛЬТАТОВ АНАЛИЗА ХИРУРГИЧЕСКИХ МЕТОДОВ И
ПРАКТИК, ПРИМЕНЯЕМЫХ ПРИ ЛЕЧЕНИИ ВРОЖДЕННОЙ ДИСТОПИИ ПОЧЕК
У ДЕТЕЙ**

Бердимуродов Янгибой Италович

**Старший преподаватель кафедры медицины
Туронского университета**

Email: yangiboyberdimurodov405@gmail.com

ORCID: 0009-0008-1274-7415

Аннотация: Целью данной статьи является оценка результатов анализа хирургических методов и вмешательств, применяемых при лечении врожденной дистопии почек у детей. Исследование проводилось у пациентов с дистопией почек, поступивших в Республиканский детский медицинский центр и Кашкадарьинский областной детский многопрофильный медицинский центр в 2023-2025 гг.

При дистопии почек у детей показаниями к хирургическому вмешательству могут быть: гидронефроз, периодические острые приступообразные боли в животе, почечная гипертензия, хронический рецидивирующий пиелонефрит, низкая экскреторная функция аномального органа.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Ключевые слова: Дети, врожденная дистопия почек, гидронефроз, нефропексия, боль в животе, экскреторная урография, общегистологический, гистохимический.

EVALUATION OF OUTCOME ANALYSES OF SURGICAL METHODS AND PROCEDURES USED IN TREATING CONGENITAL RENAL DYSTOPIA IN CHILDREN Berdimurodov Yangiboy Italovich

Senior lecturer of the Medicine
Department at Turon University

Email: yangiboyberdimurodov405@gmail.com

ORCID: 0009-0008-1274-7415

Abstract: This article aims to evaluate the results of surgical methods and procedures used in the treatment of congenital renal dystopia in children. The study was conducted on patients with renal dystopia admitted between 2023-2025 at the Republican Children's Medical Center and the Kashkadarya Regional Children's Multidisciplinary Medical Center.

In cases of renal dystopia in children, the following conditions can be indications for surgical intervention: hydronephrosis, periodic acute abdominal pain with exacerbations, renal hypertension, chronic recurrent pyelonephritis, and impaired excretory function of the abnormal organ.

Keywords: Children, congenital renal dystopia, hydronephrosis, nephropexy, abdominal pain, excretory urography, general histological, histochemical.

Мавзунинг долзарблиги: Буйрак тузилишининг аномалиялари юқори сийдик йўллариининг энг кўп учрайдиган ривожланиш нуқсонларидан ҳисобланади [1-2-3].

Буйракларнинг кистоз зарарланиши болалар урологияси амалиётида тез-тез учрайдиган касаллик ҳисобланади. Улар орасида оддий буйрак кисталари устунлик қилади ва кўпинча белгиларсиз кечади.

Бирок, айрим ҳолларда оғриқ синдроми, гематурия, артериал гипертензия ва юқори сийдик йўлларида уростаз каби асоратларни келтириб чиқариши мумкин.

Кистанинг буйрак паренхимасига босими буйракнинг паракистоз тўқимасида дистрофик ўзгаришларга олиб келади. Бу эса кейинчалик орган фаолиятининг бузилишига ва эҳтимолӣ буйрак етишмовчилигининг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин[4-5].

Буйракларнинг кистоз касалликлари сонининг кўпайиши, аввало, диагностикада ультратовуш ва компьютер-томография усуллариининг кенг жорий этилиши натижасида ушбу патологияни аниқлаш даражасининг ошиши билан боғлиқ [6-7-8-9].

Буйрак паренхимасидаги кистоз шикастланишларни даволашнинг ягона самарали усули жарроҳлик амалиёти ҳисобланади[10].

Ҳозирги кунда буйрак кисталари ва туғма буйрак дистопиясини лапароскопик усулда даволаш анъанавий очик операцияларга муқобил сифатида кенг қўлланилаётган усуллардан бири ҳисобланади. Ушбу усулнинг самарадорлиги кўплаб олимлар томонидан исботланган [11-12-13-14].

Ушбу мақолада аномал ва дистопик жойлашган органнинг ўзига хос белгиларини, болалар туғма буйрак дистопиясида мазкур органнинг морфологик тузилишини баҳолаш ва бемор болаларда кечадиган клиник симптомлар ўрганиш, туғма дистопиясининг ҳар бир турларида жарроҳлик амалиётларини ишлаб чиқиш, ҳамда ўтказилган амалиётларнинг натижасини таҳлил қилиб чиқиш долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот мақсади: Болаларда туғма буйрак дистопиясини даволашда қўлланилган жарроҳлик усуллари ва амалиётларининг натижавий таҳлилларини баҳолашдан иборат.

Текшириш усуллари ва материаллари: Текширув Республика болалар тиббиёт марказида ва Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида 2023-2025 йилда



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

қабул қилинган буйрак дистопияси билан оғриган беморларда олиб борилди. Тадқиқотимизда инструментал (УТТ, КТ, МСКТ, экскретор урография), умумгистологик, гистокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари қўланилди.

Тадқиқот учун туғма буйрак аномалиялари айнан буйрак дистопиялари билан 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган 108 нафар бемор болаларда олиб борилди. Жинс бўйича таҳлилда ўғил болалар-40 нафар, қиз болалар-68 нафар ташкил қилиб жинс бўйича нисбати 1:1,7. Бемор болаларда буйрак дистопияларини таҳлилида гомолатерал дистопиялар 96 нафар, гетеролатерал дистопия эса 12 нафар болаларда аниқланди.

Ушбу туғма аномалияга эга бўлган беморларда: даврий ўткир хуружли қорин соҳасида оғриқ (бу ҳолатда айнан қорин парда қитиғланиши симптомларининг бўлмаслиги), қорин бўшлиғида бир оз оғриқли усмасимон ёт жисмнинг пайпасланиши, даврий рецидив кечувчи характерга эга бўлган «пиелонефрит» белгилари, ҳамда бу хуруж пайтларида қоринда ва танада ўткир яллиғланиш белгиларининг кузатилмаслик ҳолатлари ва ушбу туғма аномалияга эга бўлган беморларга хос клиник симптомлар ҳисобланди.

Рентгенологик ва радиоизотоп текширувлар, ултратовушли муолажалар болаларда буйрак дистопиясини аниқлашда ва аниқ ташхислар қуйишда муҳим рол уйнади. Охирги пайтларда биз ултратовуш текширувларга кўпроқ эътибор бердик ва бу усул касалликни аниқлашда муҳим рол уйнади. Айнан шу текширув ёрдамида аномал дистопик буйракнинг жойлашув-локализациясини, унинг ўлчамини, аномал орган жомининг сатҳи ва буйрак паренхимасини аниқлашда муҳим рол уйнади. Юқорида қайд этилган барча текширув усуллари вена оркали контраст юбориб утказилган урография билан бирга олиб борилди.



1-расм. Буйракнинг дистопияси бўлган беморда троакарларни киритиш нуқталари



2-расм. Бўйрак аномал дистопиясида буйрак паренхимаси чегарасигача кесиб олиш.



3-расм. Буйракларнинг вена ичига контраст модда юборишдан олдинги ва кейинги МСКТ текшируви.

Буйрак дистопиясида: Гидронефроз аломатлари, сурункали рецедив кечувчи пиелонефрит, агар ушбу аномалия сабабли уродинамиканинг жиддий бузилиши асоратлари, буйракга хос гипертония ҳолатлари, даврий ўткир оғриқ синдромлари ва аномал органнинг экскретор функцияси йук деб ҳулоса килинган ҳолатлар мазкур беморларда жаррохлик амалиётлари утказиш учун кўрсатма деб ҳисобланди.

Бизнинг кузатувимиздаги туғма буйрак дистопияси билан мавжуд 108 нафар болалардан 60 нафарида жаррохлик амалиётлари утказилди. Жумладан 34 та беморда органи (буйракни) «сақлаб қолувчи» жаррохлик амалиётлари утказилди (10 нефропексия+уретеролиз, - нефропексия+ аномал артериянинг –резекцияси, 7-нефропексия + пиелоуретерал



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

сегментнинг пластикаси, 1-нефропексия+ ягона аномал буйрак травматик ерилишини шошилишчи равишда тикиш, 1- нефропексия +аномал кон томирли буйрак резекцияси,1- Ягона аномал дистоприяли буйрак сийдик йули резекцияси ва реимплантацияси ҳамда сийдик копи дивертикулин олиб ташлаш, 1-дистопик буйракнинг ерилишини тикиш, 1- Стюерта оператсияси, 1-Грегуар оператсияси, 1-Орка уретранинг клапанини олиб ташлаш, 1-пиелолитотомия жаррохлик амалиётлари утказилди (№1-жадвал).

Бемор ёши	1-3	4-6	7-9	10-14	Жами
Жаррохлик амалиёти турлари					
1.Нефропексия+ аномал артерия резекцияси	3		1		4
Нефропексия+уретеролизис	1	1	-	6	8
Нефропексия+ПУС пластикаси	-	-	5	1	6
Нефропексия	-	1	2	1	4
Стюерта амалиёти	-	-	-	1	1
Нефропексия+буйрак поёси резекцияси	-	-	-	1	1
Грегуар амалиёти	-	-	-	1	1
Антирефлюкс амалиёти	1	-	-	1	2
Сийдик йули реимплантацияси	5	-	-	1	1
Орка уретра клапанини олиш амалети	-	-	1	-	1
Пиелолитотомия	-	-	-	3	3
Ягона функцияга эга дистопик буйрак травмасини тикиш амалиёти	-	-	-	2	2
Нефрэктомия	5	7	4	10	26
Жами:	10	9	13	28	60

Туғма аномал дистопик органнинг атипик нокулай жойлашиши ва унинг ҳар хил даражада аномал қон томирлар билан таъминланиши ҳолатлари юқоридаги юксак технологиядаги мураккаб амалиётларни утказишимизга туғри келди. Тадқиқотда 26 нафар беморда нефрэктомия жаррохлик амалиёти утказилди. Болалардаги дистопик буйракларнинг туғма аномал тузилиши, уларнинг атипик нокулай ҳолатда жойлашиши, аномал орган функциясининг бузилиши, аномал орган гисто-морфологик жихатдан ривожланмаганлиги ҳамда дистопик буйрак экссекретор функциясининг кузатилмаслиги ҳолатлари куп сонли «орган йукотилувчи» жаррохлик амалиётларини утказилганлигини изохлайди. Аномал буйрак атипик жойлашуви канчалик паст бўлса шунчалик аномал органнинг парок белгилари ривожланган ва айнан купрок «органни йукотувчи» амалиёларга олиб келди.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Бизнинг кузатувимиздаги 27 нафар беморларда ўтказилган жарроҳлик амалиётларидан кейинги препаратларда дистопик жойлашувда бўлган органларнинг гисто-морфологик тузилишлари ўрганилди. Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, дистопик орган қанчалик гавданинг паст қисмида жойлашган сари аномал органнинг паренхимасининг дисплазия даражаси шунча юқори бўлишини кўрсатди. Кузатувимиздаги беморларнинг 53 нафаридан узок муддатли натижалари ўрганилди жумладан 47 нафар беморда яхши натижалар аниқланди.

Хулоса:

1. Болалар буйрак дистопиясида: гидронефроз, даврий ўткир хуружли қорин оғриги, буйрак гипертонияси, сурункали рецедив кечувчи пиелонефрит, аномал органнинг экскретор функциясининг йуклиги жарроҳлик амалиёти ўтказишга кўрсатма бўла олади.

2. Болаларда туғма буйрак дистопиясининг тури, характери, ундаги аномал қон томирларнинг мавжудлиги, органнинг нотутри жойлашуви натижасида юз берган асоратлар ўтказилаётган жарроҳлик амалиётларини индивидуал равишда қўллашга сабаб бўлади.

3. Болалардаги туғма дистопик буйракнинг экскретор функциясининг йуклиги, унинг туғма анатомик, функционал ва гисто-морфологик ривожланмаганлиги фақат иккинчи буйрак функцияси яхши бўлгандагина нефрэктомия жарроҳлик амалиёти ўтказишга кўрсатма бўлади.

4. Болалар буйрак дистопиясининг бел соҳа турида бел соҳадан кесиш, бел-ёнбош соҳа жойлашувида эса ёнбош-чов соҳа кесмаси, чанок ва қарама-қарши жойлашув турида эса пастки ўрта қорин парда орти кесма усуллари жарроҳлик амалиётлари ўтказишнинг энг қулай усуллари деб ҳисобланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лопаткин Н.А., Люлько А.В. *Аномалии мочеполовой системы*. Киев: «Здоровья»; 1987; 96 с
2. Борисов А.Е., Земляной В.П., Кашенко В.А. *Эндовидеохирургия органов брюшинного пространства*. СПб.: ЭФА; 2000; 199 с
3. Дж.А. Витворт, Дж.Р. Лоренс, ред. *Руководство по нефрологии*. М.: Медицина; 2000; 277–289 с
4. Bayram M.T., Alaygut D., Soylu A. Clinical and radiological course of simple renal cysts in children. *Urology*. 2014; 83(2):433–437. doi.org/10.1016/j.urology.2013.08.055
5. Лавренчик А.И., Альбот В.В., Горина А.С. Анализ методов исследования и лечения простых кист почек у детей. *Сибирский медицинский журнал*. Иркутск; 2000; 6:67–70
6. Аляев Ю.Г., Григорян В.А., Амосов А.В. Ультразвуковая диагностика жидкостных образований почек. В кн.: IV съезд Российской ассоциации специалистов ультразвуковой диагностики. М.; 2003; 174с.
7. Иванов Ю.В., Панченков Д.Н., Баранов А.В. Лапароскопическое иссечение кист почек. *Эндоскопическая хирургия*. 2009; (3): 15–19
8. Park H., Kim C.S. Natural 10-year history of simple renal cysts. *Korean J. Urol*. 2015; 56(5):351–6 DOI: 10.4111/ kju.2015.56.5.351
9. Акрамов Н.Р., Байбиков Р.С. Обследование и определение показаний для хирургического лечения детей с кистозными заболеваниями почек. *Детская хирургия*. 2016; 20(1):45–49 doi: 10.18821/1560–9510–2016–20–1–45–49
10. Медведев В.Л., Костюков С.И. Лапароскопическое иссечение кист почек. В кн.: Материалы X Российского съезда урологов. М.; 2002; 753–754
11. Қурбанов Т.А «Болаларда буйрак дистопиясини Гораиш усулига модификация қилиш усули билан нефропекцияси (рақ таклиф №1110).
12. Қурбанов Т.А, Осипов И.Б» Буйрак нефростомаси учун қулай утказгич (рақ. таклиф 1122).
13. Қурбанов Т.А «Биопсия учун қулай игна» (рақ таклиф №1170).
14. Қурбанов Т.А «Биопсия олишининг энг қулай усули (рақ таклиф № 1169).